Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: обуначига 1 сўм 50 тийин Сотувда эркин нархда.

1992 йил 12 сентябрь, шанба № 180 (21.278).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ТОШКЕНТ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИГА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Наманган вилояти педагогларининг кўп минг кишилик отряди Сизни улуғ байрам, республика мустақиллигининг бир йиллиги билан табриклайди. Сизнинг педагогларни ва ёшларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Фармон ҳамда қарорларингизни зўр мамнуният билан кутиб олдик. Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий ва иқтисодий сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаймиз. Сизга сиҳат-саломатлик ва ишингизда муваффақият тилаймиз.

Мустақиллик куни байрами ва янги ўқув йили бошланиши муносабати билан вилоят ҳокимликларида ўтказилган халқ таълими илғор ходимлари учрашувининг 70 нафар қатнашчиси ҳам шу табрикномага қўл қўйганлар.

Наманган вилояти педагоглари номидан вилоят халқ таълими бошқармасининг мудири Н. И. ҚОЗОҚОВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБЛАРИГА

Ўзбекистон миллий байрами куни муносабати билан Сизга самимий табригимизни юбораётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ёр бўлсин, ўзбек халқининг юксалишида муваффақиятлар ва равнақ тилаймиз.

Қобус Бин САИД,
Омон Султони.

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Давлатингиз учун шонли сана — Мустақиллик куни байрами билан Сизни ва дўст Ўзбекистон фуқароларини астойдил қувонч билан самимий табриклайман. Қирғизистонда демократия, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушни янгилаш, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик асосида ўз давлатини барпо этаётган мустақил Ўзбекистонга алоҳида меҳр-муҳаббат билан қарайдилар. Қирғизистон билан Ўзбекистон кўп йиллик дўстлик ва яқин ҳамкорлик ришталари орқали боғланганлар ва шу ришталарни келгусида ҳам ривожлантириб, мустаҳкамлайверамиз. Дўст Ўзбекистонга, унинг халқига тинчлик, равнақ, бахт-саодат ва эсон-омонлик тилайман.

Самимий ҳурмат билан

Қирғизистон Республикаси Президенти
Аскар АҚАЕВ.

●

Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан И. А. Каримов номига қуйидагилар табрик мактублари ва телеграммалари йўллаганлар:

Н. МАҲМУДОВ, — Фарғона вилояти Қува районидаги «Мустақиллик» кичик корхонасининг раиси;

А. МУҲИДДИНОВ — Еркатой қишлоқ Кенгашининг раиси, Наманган вилоятидаги Уйчи райони;

Б. СУВОНОВ — Тошкент вилояти Бекобод районидаги Ленин номли хўжалик учинчи участка ишлаб чиқариш жамоасининг аъзоси;

Д. СОҚИЕВ — Андижон вилояти Жалолқудуқ районидаги Охунбобоев шаҳри;

Ж. ЕРМАТОВ — Сурхондарё вилояти Гагарин районидаги Жартепа қишлоғи;

Мурод МИРЗА Шарифжон ўғли — Тошкент шаҳри, Чилонзор райони;

А. АСҚАРОВ — Тошкент вилоятидаги Бекобод шаҳри;

К. РИЗОҚУЛОВ — Бухоро шаҳри;

Бахтиёр ХАСАН — Мельбурн, Австралия — Ўзбекистон уюшмаси номидан;

А. КУЛЬКОВ — Тошкент шаҳри;

Н. Ҳасанов, Т. Толибназаров, Н. Хожиматов — Тошкент шаҳар Ҳамза районидаги 12-маҳалла аҳли номидан;

У. Ҳакимов, А. Ҳусанов — Фарғона вилояти ҳоким лигининг раҳбарлари;

Абдусоли Валиқул ўғли — Самарқанд вилоятининг Қўшработ райони;

С. Арутюнов — Тошкент шаҳри, Оқтепа даҳаси;

Ж. Ж. Маликов — Тошкент вилоятидаги Зангиота райони ҳокими;

Саидов — «Навоиазот» комбинати меҳнатчилари номидан;

Ю. Абдуллаев — Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги элчиси;

Ф. К. Комилов — Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур райони;

С. Қирғизбоева — Тошкент вилоятининг Бекобод районидаги 115 ёшли аёл;

Ҳ. Абдураимов — ЎХДП Тошкент шаҳар кенгаши номидан, кенгаш котиби;

С. Исмонов — Андижон вилояти Булоқбоши районининг 78 минг аҳолиси номидан, байналмилалчи жангчилар ва чернобилчилар район жамиятининг раиси;

Н. Болмонов, Н. Эсергапов — Самарқанд вилояти Қўшработ районидаги матлубот кооперацияси ходимлари номидан;

Т. Юсупов — Фарғона вилояти Қува шаҳридаги 24-мактаб 6-синф ўқувчиси;

Ҳ. Абдуллаев — Жиззах вилояти Ғаллаорол районидаги ЎХДП аъзолари номидан, кенгаш котиби;

А. Қамарзода — Тожик маданияти Самарқанд жамиятининг раиси;

Тиловов — Самарқанд шаҳридаги Мароқанд маҳалласининг аҳли номидан, маҳалла комитетининг раиси;

Абдулҳаким-Шарий Жузжоний — Афғонистон фуқароси;

Н. Мамажонов — Андижон вилояти Асака район ҳокими, меҳнаткашлар номидан;

Х. Бердиев — Термиз шаҳри ҳокими;

А. Саматов — Тожикистоннинг Хўжанд вилоятидаги Пролетар районининг Ленин номли жамоа хўжалиги раиси, икки марта Меҳнат Қаҳрамони;

Фарғона вилояти — Охунбобоев районининг **Абдархон Алигавҳаров номидаги колхоз жамоаси;**

Майя Аметова — Сирдарё шаҳри;

Ж. Х. Халилов — Халқ таълими Андижон вилоят бошқармасининг бошлиғи;

Б. Ҳайдаров — Наманган вилоятидаги Чортоқ шаҳрининг ҳокими, шаҳар аҳли номидан;

И. Ҳ. Қосимов — «Сино» акционерлик компаниясининг Президенти, шу компания меҳнат жамоаси номидан, Самарқанд шаҳри;

У. Ҳамроев — Чироқчи шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси; шаҳар фахрийлари номидан, Қашқадарё вилояти;

Т. Тиллаев — Қашқадарё вилоятидаги Чироқчи шаҳри;

Ж. Духнаров — Қашқадарё вилояти Чироқчи районидаги 32-мактаб муаллими;

Х. Сотволдиев — Андижон вилояти Марҳамат районидаги 9-мактаб муаллими.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА РАҚСГА ТУШГАН ҚИЗЧА



Серқуёш диёримиз аҳолиси бола парвар халқ. Серфарзанд оилалар бола-чақалари ташвишида доимо ҳаёт машаққатларини енгиб ўтадилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир тўйимиз, каттаю-кичик шодиёналаримиз бахтиёр болаларсиз ўтмайди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги бир йиллиги шодиёналари ҳам бахтиёр фарзандларимизнинг шўх ўйин-кулгулари билан жуда ҳам файзли бўлди. Тошкентнинг Бош майдонида Ўзбекистоннинг Мустақиллиги куни тантанаси пайтида олинган бу сурат газетамизнинг барча муштарийларига манзур бўлди. Мустақиллигимизнинг ёркин бир тимсоли бўлиб турган бу мурғак қизчанинг ким эканлигини билиш кўпчиликни қизиқтириши табиий бир ҳол. Президентимиз Ислом Каримовнинг меҳр оғушида турган бу қизчанинг исми Заҳро, отасининг исми эса Одилдир. Бу қизча ўша шодиёнада жўшқин рақси билан ҳамманинг олқишига сазовор бўлди. Тошкентнинг «Ором»-394-болалар боғчасида тарбияланаётган бу қизча оддий меҳнаткаш оиланинг суюкли фарзанди. Унинг ҳақидаги суратли мақолани газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

2-бетга қаранг

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ—БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

Ўзбекистон ёзувчиларининг Тожикистон ёзувчиларига МУРОЖААТИ

Азиз биродарлар!

Тожикистон тупроғида кечаётган мудҳиш воқеаларни радиодан эшитиб, ойнаи жаҳон орқали кўриб, кузатиб турибмиз. Тожик тожикка ўқ отаяпти. Тожик заминдошининг қонини тўкаяпти. Бу ғоят қайғулидир. Бу, бизнингча, янги фалокатларнинг даракчисидир. Биз бу қонли воқеаларнинг маъносини тушунамиз. Бу қабоҳатлар ичкаридаги бир гуруҳ калтабин сиёсатчиларнинг қилмиши ва ташқаридаги мустамлакачи кучларнинг найранги эканлигини яхши англаймиз. Афтидан, бу ҳунрезликлар уларга кам кўринади. Улар фалокатни яна бир поя ўстирмоқчи, тожиклар билан ўзбеклар орасига низо солиб, янги қорабоғлар бунёд этишга шайланган кўринади.

Азиз ҳамкасблар!

Биз — икки тилли бир халқмиз, азалдан қуда-андамиз, эту тирноқ, жону жигармиз, қонимиз қонимизга, жонимиз жонимизга туташ, Ўзбекистон тожикларнинг азалий ватани бўлганидек, Тожикистон ҳам ўзбекларнинг азалий ватанидир. Бунга буюк тарихимиз, буюк боболаримиз гувоҳ. Ғаним-лар ана шу азалий ва абадий бирликка раҳна солмоқчилар. Агар улар ўзларининг қора ниятларига етсалар, Ўрта Осиё деб аталган муқаддас тупроғимизга балоофатлар ёғилур ва биз янги мустамлака асоратида қолурмиз. Худо кўрсатмасин!..

Биз, ўзбек ёзувчилари тожик халқининг юксак ақлу идрокига, тадбиркорлигига ишонамиз. Иншоолло, Тожикистон тупроғида тинчлик, тотувлик, шафқат ва адолат қарор топгай. Дўстлигимиз, биродарлигимизга қасд қилганлар паст бўлгайлар. Акс ҳолда ҳазрат Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоий руҳлари бизни кечирмагай.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Тожикистондаги қонли воқеаларнинг дамини кесишга чорлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилди. Биз бу сиёсатни чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз. Аҳил-ҳамжиҳат бўлсак, қўлни қўлга берсак, ҳар қандай фалокатнинг дами кесилиши муқаррар.

Илоҳим, Тангри ўзи ёр, пирлар мададкор бўлсин. Ҳаммамизга яратганнинг ўзи ақл ва инсоф берсин!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ.

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ



Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласини газетамизда эълон қилишни давом эттирмоқдамиз.

(Иккинчи бетга қаранг).

Шароф Рашидов номли жамғарма Низоми рўйхатга олинди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коллегияси Шароф Рашидов номли жамғарма Низомини рўйхатга олишга қарор қилди. Унга 255-рақамли гувоҳнома берилди. Жамғарма фаолиятининг асосий мақсади гувоҳномада таъкидланганидек, «Ўзбекистонда илм-маърифатни ривожлантириш, умуминсоний қадриятларини тиклаш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва рағбатлантириш, фан-техника, маданиятни тараққий эттиришдан иборат»дир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коллегияси, шунингдек, жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, Тоғ муҳандисларининг халқаро жамиятини, Ўзбекистон деҳқончилик-саноат мажмуида полимер маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларининг «Агропласт» ассоциациясини, Ўзбекистон политологлар ассоциациясини, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлари «Олима» уюшмасини ҳам рўйхатга олди.

Айни пайтда рўйхатга олинган жамоа бирлашмалари орасида бир қанча спорт федерациялари ҳамда диний ташкилотлар ҳам бор.


ТАШКЕНТСКОЕ РЕСПУБЛИКАНСКОЕ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олинганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА
СВИДЕТЕЛЬСТВО
о регистрации устава общественного объединения


Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олинганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

ФАХРИЙЛАРНИНГ МУНОСИБ УЛУШИ

● ЎЗБЕК халқининг атоқли фарзанди, йирик давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов номини сирдарёликлар алоҳида меҳр-муҳаббат билан ёдга оладилар. Чунки, у киши Мирзачўлни ўзлаштириш, обод ва фаровон ўлкага айлантириш йўлида озмунча меҳнат қилганлари йўқ.

Мен Шароф Рашидовни илк бор қирқ йилча муқаддам, яъни у киши Республика Олий Совети Президиуми Раиси бўлиб ишлаётган пайтларида кўрганман. Ўшанда мен Сирдарё райижроқўмининг раиси эдим. Мени ҳузурларига таклиф этиб, райондаги ишлар билан қизиқиб, бафуржа суҳбат қурган эдилар.

Кейинчалик Янгиер, Боёвут, Ильич (ҳозирги Шароф Рашидов) районлари партия ташкилотларига раҳбарлик қилдим. Бу даврда Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан Шароф Рашидов билан учрашиб, суҳбатлашиб туришга тўғри келди. Ҳар сафаргги учрашув ва суҳбатлар ҳамма қатори менга ҳам қанот бағишлар, руҳлантирар ва илҳомлантирар эди. Биз доим у кишининг мададига таяниб ишлардик.

Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тараққиёти, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ва обод этиш борасидаги ишларини унутиб бўлмай ди. Хали бу ишларнинг салмоғини кўплаб авлодлар дилдан ҳис этиб, у кишининг хотирасига ҳурмат бажо келтирадилар.

Биз сирдарёлик уруш ва меҳнат фахрийлари ҳурматли инсон таваллудининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан Шароф Рашидов номли жамғарманинг очилганини эшитиб, бу ишга ўзимизнинг улушимизни қўшишга қарор қилдик. Шу мақсадда вилоят Фахрийлар Кенгаши ҳайъатининг қарори билан Шароф Рашидов номли жамғарма ҳисобига 5 минг сўм пул ўтказишга аҳд қилдик.

Абдулҳай АБДУШОҲИДОВ,
Сирдарё вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси.

* * *

Эслатиб ўтамиз: Шароф Рашидов номли жамғарманинг банк ҳисоби:

СЎМЛАР УЧУН — Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Тошкент шаҳар операция бошқармасининг ҳисоб-китоб марказида ҳисоб рақами — 000700825, (код рақами 172682116);

ВАЛЮТА УЧУН — Ўзбекистон Республикаси ташқи-иқтисодий фаолият Миллий Банкида Шароф Рашидов номли жамғарманинг ҳисоб рақами: 97380090/001

Жамғармага ҳисса қўшган меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг номлари газетада бериб борилади.

Хайрли ишдан четда қолманг, азизлар!

БИРОДАРКУШЛИК КИМГА КЕРАК?



Шавкат НИЁЗОВ,

«ОВОЗИ ТОЖИК» ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ

Тожиклар ва ўзбеклар азалдан қон-қариндош, жон қўшни бўлганлар. Уларнинг тақдир ва қисматлари қадимдан бир-бирларига боғлиқ бўлган. Уларни асрлар давомида дўстлик ва биродарлик ришталари бир-бирларига чамбарчас боғлаган. Халқларимизнинг дўстлиги ажнабий босқинчиларга қарши биргаликда олиб борилган курашларда тобланган.

Ҳар гал ўзбеклар ва тожиклар тарихини варақласак, бир нарсанинг шоҳиди бўламизки, бу икки халққа мансуб кишилар бир-бирлари билан асрлар давомида маданий ва иқтисодий алоқаларни ривожлантирганлар. Бу алоқалар икки биродар халқни хўжалик, иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалишларига жуда катта кўмак бўлган.

Бинобарин, ҳеч шубҳасиз таъкидлаш мумкинки, дўстлик ва биродарлигимизнинг манбан ана шу эзгу муносабатларимиздадир. Халқларимизнинг буюк алломалари Алишер Навоий ва Мавлоно Абдураҳмон Жомий дўстлигимиз илдизларини мустаҳкамлашда катта хизмат қилганлар.

(Давоми иккинчи бетда).

БУГУНГИ СОНДА:

● ...ВА НИҲОЯТ БИР НЕЧА МАРТА АЙТИЛГАН «ШАКАР ОПЕРАЦИЯСИ» ФЕЛЬЕТОНИНИ 4-БЕТДА УҚИШИНГИЗ МУМКИН.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● ТЕЛЕВИЗОРЛАР БУХОРОДА ИҒИЛАДИ

● ҚУВАСОЙДА ҲОКИМ НЕГА ЎЗГАРДИ?

ИСТИҚЛОЛ ДОРИЛФУНУНИ

баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзбекистон халқаро спорт ҳамжамиятида дадиллик билан ўзини кўрсатмоқда. Биз Тошкентда ёшлик ва саломатликнинг, тинчликнинг абадий ва улуғ тимсоли бўлган Олимпия ўйинларини ўтказишга тайёрмиз.

Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшликдан, оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спортнинг кўмагида сингдириш керак. Шуниси муҳимки, одамлар сўзда эмас, балки амалда ўз саломатлигининг қадрига етиб, уни миллий бойлик сифатида авайлаб-асрасинлар.

Мустақил давлатда, тинчлик ва осойишталикда, ғоявий чалкашликлар ва «темир парда»дан халос бўлиб, биз умумбашарий қадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадам-бақадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Айни шу ҳол тараққиёт йўлидан дадил боришимиз ва бутун Инсоният билан бирлигимизнинг энг мустаҳкам кафолатидир.

Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш — Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун Инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

(Давоми. Боши газетамизнинг 27, 28, 29 август, 3 ва 4, 5, 8, 9, 11 сентябрь сонларида).

Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади. Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради. Табиатга яқинлик, жонажон ўлканинг бениҳоя гўзаллигидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, кучайтиради. Маънавият ўз халқининг тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чуқур билиш ва тушуниб етишга суянгандагина қудратли кучга айланади. Тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди.

Маънавият турли халқлар ва мамлакатлар кишиларини қон-қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У — инсон учун бутун бир Олам.

Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур. Саҳродаги сайёҳ ҳар доим булоқдан чанқоғини босади. Худди шунингдек инсон ҳам неча-неча азоблар ва қийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар, халқ, мустақил давлатимизга садоқат, инсонларга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик — маънавиятнинг ана шундай маъноси жуда кенг. Инсон уни Инсон даражасига кўтарадиган асосларнинг

(Давоми бор).

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА РАҚСГА ТУШГАН ҚИЗЧА

Ислом КАРИМОВ:

СОҒЛОМ, ГЎЗАЛ, ОЛИЖАНОБ БЎЛИБ КАМОЛГА ЕТ. ҲАМИША ҲАЛОЛ ВА ДИЛДОР БЎЛ. ҚИЙИНЧИЛИКЛАРДАН ЧЎЧИМА, ХАЙРЛИ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИР, ДЎСТЛИКНИНГ ҚУДРАТИНИ ҚАДРЛА!



Расм чизишга ҳам маҳорат керак экан.



Меҳмон кутиш ҳам санъат



Қувноқлар масканидаги жўшқин ҳаёт ҳаммани маҳлиё этади.

● ТИЙРАК кўзли, гулгун чеҳрали бу қизчани Заҳро деб аташади. Зеро, эндигина олти баҳорни қаршилаган қизалоқ республикада танилиб қолди.

АКМАЛ Икромов район 394-болалар боғчасида 300 нафардан зиёд бахтиёр фарзанд тарбияланмоқда. Бу гўшада шодон кулгига бой, мароқли ҳаёт маромми барқарор. Улар орасида ўзига хос юриш-туриши, бир гапириб, ўн кулиши билан ажралиб турувчи жажжи қиз Заҳро ҳам бор. У ўртоқлари қатори беғубор осмонни, балқиган қуёшни, онажониси бағрини, меҳрибон боғча опаси мурувватини ҳеч нарсага алишмайди. Кўпроқ рақс тушиб, қўшиқ айтишни жуда ёқтиради.

Тошкентнинг Мустақиллик майдонида истиқлолимиз бир йиллигига бағишлаб илк бор зўр шодиёна ўтказилди. Бетакрор воқеалар уммонида кичкинтойларнинг «Ором» дастаси ҳам бор эди. Жажжи ўғил ва қизлардан иборат кичик ижрочилар «Қувноқ давра» қўшиғини ижро этаётганда яккахон Заҳро парвонадек енгил учиб, республика раҳбарлари ўтирган супа томон қанот қоқиб бораркан, ногохон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов уни қучоқлаб, келажак авлод тимсолидек кўтариб олди.



Заҳро ҳар куни шундай машқ қилади.

КУНИ кеча Заҳро Султонова газетамиз таҳририятига севимли тарбиячиси Гулнора Қўчқорова билан келди. Оҳангараболи чеҳрасида табассум қалқиб турган қизча билан суҳбатлашдик. Унинг ўртоқлари жуда ҳам кўп экан. У ўндан ортиқ қўшиқ айтаркан.

«Ойижонимнинг исмлари Раъно, дадамларни Одилжон дейишади. Ҳасан-Зуҳра эгизак акам билан опам ва Зиёд деган укам бор», дейди Заҳро.

— Президентимиз баракалла қизим! — дедилар. Мен эса уларга бутун Ўзбекистон болаларининг байрам табригини келтирдим, — дедим.

— Ҳозир нималарни ўрганяпсан?

— Яқинда мен суратга тушган «Сени излаб» фильмини телевизорда кўрсатишди. Энди Ҳиндистон билан ҳамкорликда яратилаётган кинода раққосанинг болалигини ўйнаяпман.

— Келажакда ким бўлмоқчисан?

— Боғча опамлардек мусиқа муаллимаси бўлишни истайман.

Орзуинг ушалиб, йўлинг нурафшон бўлсин Заҳро!

А. ПЎЛАТОВ.

Мусиқа завқини оширади ва зеҳнини пишиқтиради.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ТОЖИКИСТОН ДАРДИ — БУТУН ЎРТА ОСИЁНИНГ ДАРДИ ВА ТАШВИШИ

БИРОДАРКУШЛИК КИМГА КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шундай экан, Тожикистонда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан барча соф виждонли кишилар қатори Ўзбекистонда яшовчи тожиклар ҳам бефарқ қололмайди. Бу воқеалар хусусан ҳаммамизни ҳам изтиробга солмоқда. Тожикистонда кўпгина ўзбеклар яшайдилар. Ўзбекистонда эса 1 миллиондан кўпроқ тожиклар истиқомат қиладилар.

Агар Тожикистон воқеаларига баҳо бермоқчи бўлсак, бир қанча омилларни ҳисобга олишимиз зарур. Биринчидан, бизнинг ён қўшнимиз Тожикистон ҳам Ўзбекистон каби Совет ҳокимияти йилларида марказнинг хом ашё базаларидан бири бўлган. Менимча, бу жанжал-низоларнинг асосида аввало иқтисодий масалалар ётади. Иккинчидан, Тожикистон жўғрофий жиҳатдан ниҳоятда ноқулай жойлашган.

Қолаверса, бу жанжалларнинг манбаи, юқорида таъкидланганидек, кейинги вақтларда Тожикистонда вужудга келган кўпгина сиёсий партиялар ва гуруҳларнинг манфаатлари бир-бирларига мос келмай қолишида деб биламан. Бу сиёсий курашлар заминида тожик халқи ушбу сиёсий партия ва гуруҳлар ғояларининг қурбони бўлдилар, деб аташ тўғри бўлур эди.

Яна бир бошқа масала. Минтақада бу воқеалар авж олишидан манфаатдор кўпгина кучлар бор. Масалан, ўзларини ҳамон марказий радио ва телевидение деб ҳисоблаётган «овоз эгалари» Тожикистонда рўй бераётган воқеаларга ноҳолис баҳо бермоқдалар, ёлғон, қутқу соладиган хабарлар тарқатмоқдалар. Улар бу воқеаларга миллатлараро тўқнашишлар тусини беришга ҳаракат қилаётирлар.

Лекин ҳақиқат бошқа ёқда. Тожикистон воқеаларида миллатлараро низо учун замин йўқ. Ўйлаб кўринг, агар улар айтганича бу воқеалар сабаби миллатлараро тўқнашишлар бўлса, нега у ҳолда қочоқлар орасида деярли тожиклардан тошқари бирон бошқа миллат вакиллари йўқ?

Мен ҳар тунда Душанбе радиоси эшиттиришларини тинглайман. Маълум бўлишича, Сурхондарё вилоятининг аҳолиси Қўрғонтепа аҳолисига озиқ-овқат ва кийим-кечак юборган. Шу тариқа Ўзбекистон Жумҳурияти биринчи бўлиб Тожикистонга ёрдам қўлини чўзди.

Мен сиз, азиз тожик биродарларимга чин қалб сўзларим билан мурожаат қиламан: аждодларимиз меҳнати ва курашлари эвазига вужудга келтирилган сарватларимизнинг ҳаробу вайрон бўлишига йўл қўймайлик. Шаҳарларимиз харобаларга айланмасин, муштипар оналаримизнинг кўзи ёшланмасин. Биродарлар, келинглар, қон тўкилишига йўл қўймайлик, жангу жанжалларни тўхтатайлик. Барча куч-ғайратимизни азиз Ватанимиз — Тожикистон ва Ўзбекистоннинг янада гуллаб яшнамоғи йўлида сарф этайлик.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Аввал хабар қилганимиздек, Сурхондарё вилоятидан қўшни Тожикистонлик биродарларга инсонпарварлик ёрдами юборилган эди. Зарур озиқ-овқат маҳсулотлари юкланган 8 автомашинадан иборат карвонни сарҳадда Тожикистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Т. Ғаффоров бошлиқ қўрғонтўпаликлар кутиб олишди. Вилоятнинг Жилликўл районида юклар туширилгач, ўзбекистонликлар Шартус, Колхозобод, Қабадиён районларида бўлиб, вазият билан танишдилар. Ҳайрият, бу районларда осойишталик ҳукмрон. Меҳмонлар Қўрғонтепа шаҳридаги биродаркушлик жанглари оқибатларини, вайронагарчиликлар, ёндирилган уйларни ўз кўзлари билан кўришди. Улар тожикистонлик қўшнилар уйида тезроқ тинчлик ўрнатилиб, осойишталик таъминланишини тилаб ватанларига қайтишди. «Останкино» телекомпанияси диктори каромат қилганидек, мазкур инсонпарварлик операцияси барбод бўлмайди, у тожикистонлик биродарларга тўла-тўкис етказиб берилади.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

НАФАҚАНГИЗ ҚАНЧА БЎЛАДИ, БИЛАСИЗМИ?

● Республикамиз мустақиллик йўлига ўтиб олганидан сўнг аҳолини, биринчи навбатда нафақахўрлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кўп болали оналарни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоси асосий масалалардан қилиб қўйилганди. Ана шу муҳим ҳаётий вазифа амалда изчил бажарилмоқда. Бунга республика Президенти И. А. Каримовнинг шу йил 25 августдаги нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидаги ташкилотлар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисидаги Фармони ёрқин далил бўла олади. Бу Фармон нафақахўрларга қандай имкониятлар яратди? Унинг моҳияти нималардан иборат? Кўпчиликни ана шу саволлар қизиқтиряпти. Таҳририятимизга бу ҳақда муфассалроқ маълумот берилишини сўраб хатлар келяпти. Қўнғироқлар бўляпти. Шу муносабат билан мухбиримиз республика ижтимоий таъминот вазири Санобар Ахроловна ХЎЖАЕВАга мурожаат қилиб, ушбу Фармонни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Мазкур Фармон республика аҳолисининг деярли барча табақалари манфаатларини ҳисобга олади, — деб таъкидлади Санобар Ахроловна. — Бунинг сабаблари маълум: бу ерда гап кексалар, ногиронлар, ота-онасиз етим болаларни, яъни меҳр-шафқат, инсонпарварлик ёрдамига муҳтож кишиларни нафақа билан таъминлаш ҳақида бормоқда. Яна шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда пенсия таъминотида йўл қўйилган айрим нуқсонлар ва камчиликлар бартараф этилиб, нафақа билан таъминлаш ишидаги кўпгина муаммолар ҳал қилинди.

Қувончлиси шундаки, халқимиз мустақилликнинг илк ниҳоллари нишонасини, мустақиллик неъматини татиб кўриш бахтига муяссар бўла бошлади. Қўшни Тожикистонда, Кавказда қон тўкилаётган, инсонлар ҳаёти хавф остида қолган бир пайтда республика Президенти ва ҳукуматимиз республикада тинчлик, осойишталикни таъминлаш чораларини кўриш билан бирга, меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, бошқа тоифадаги кам таъминланган кишиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бозор муносабатларига ўтиш қийинчиликларидан эсон-омон олиб чиқиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлган жойдагина қут-барака бўлади. Шу боисдан халқимиз Президентимиз сиёсатини, унинг тутган йўлини қўллаб-қувватламоқда.

Кўплаб фуқаролар ижтимоий таъминот идораларига келиб, республика раҳбарияти ва Президентига ҳозирги мураккаб шароитда уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдиришяпти.

— Санобар Аҳроловна, Президентимизнинг бу галги Фармонининг олдинги фармонлардан фарқи нимада? Эндиликда нафақа билан таъминлашдаги текисчиликка чек қўйиладими?

— Дарҳақиқат, Президентнинг 25 августдаги Фармони нафақа билан таъминлаш ишида туб ўзгаришлар ясайди, деб айтишга тўла асос бўла олади. Бу Фармон нафақа олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги дадил ва мустақил қадамлардан биридир. Бир сўз билан айтганда, у 2 миллион 500 минг нафақахўрнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этади. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда нафақанинг энг оз миқдори Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги энг юқори миқдордир. Чунончи, Россия Федерациясида бу миқдор 900 сўмни ташкил этади. Республикамизда эса 1 сентябрдан бошлаб меҳнат нафақаларининг энг оз миқдори 1 минг 250 сўмни, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари учун эса ойига 1 минг 300 сўмдан 1 минг 600 сўмгача етказилади. III гуруҳ уруш ногиронларининг энг оз нафақаси 1250 сўмни ташкил этади. Энг муҳими, Фармонда меҳнат стажининг оз-кўплигига ва маош миқдорига қараб меҳнат нафақаларини табақалаштириб белгилаш қоидаси тикланган. Шу тариқа нафақа тизимида ҳукмрон бўлган текисчиликка чек қўйилди. Киши яхши ишлаганми, ёмон ишлаганми бундан қатъи назар, унга бир хил нафақа белгиланаётган эди. Бу эса кўпчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди.

— Президент фармонида кўзда тутилган ўтмиш иш ҳақларини қайта кўриб чиқиш тартиби нималардан иборат?

— Дарҳақиқат, энди ўтмиш йиллардаги маошлар тўлдириб ҳисобланади, уни мослаш коэффициентига кўпайтириш лозим. Нафақа миқдори ва уни қайта ҳисоб-китоб қилиш нафақа қайси йили белгиланганига боғлиқ. Қайтадан ҳисоблаб чиқарилган ойлик маошга асосланиб, нафақанинг янги миқдори белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тасдиқланган мослаш коэффициентлари матбуотда эълон қилинди. Коэффициент жадваллари бу шунчаки тахминан танланган рақамлар эмас, улар ўртача иш ҳақининг ўсиш даражаси ҳолатини тўлиқ акс эттиради. Бунда ўтмиш йиллардаги маошлар «замонавийлаштирилади» ва ўз-ўзидан нафақа миқдори ҳам «замонавийлашади». Буни қандай тушуниш мумкин. Иш ҳақи бугунги нарх-наво ва иш ҳақига қараб кўпайтирилади. Масалан, 1970 йилги иш ҳақи 22,8 марта, 1980 йилги иш ҳақи эса 16,9 марта , 1985 йилги иш ҳақи эса 15,9, 1990 йилгиси 12,1 марта кўпайтирилади.

Масалан, айтайлик Аҳмедов 1975 йилдан нафақа ола бошлаган. Унинг иш ҳақи 170 сўмни ташкил этган. Ҳозирги кунда у ойига энг оз миқдордаги нафақа — 1 сентябргача 1000 сўм олаётган эди. Унинг ойлик маошини «замонавийлаштириш» учун коэффициент жадвали бўйича 19,1 га кўпайтирамиз. Натижада «замонавийлаштирилган» иш ҳақи 3 минг 247 сўм ҳосил бўлади. Айтайлик, у 45 йиллик меҳнат стажига эга. Бундай ҳолатда нафақа иш ҳақининг 75 фоизи миқдорида белгиланади. Унинг нафақаси миқдори 2 минг 435 сўм 25 тийин бўлади.

Яна бошқа мисол. Зуфаровага 1983 йилда қарилик нафақаси белгиланган. Унинг иш ҳақи 205 сўм 90 тийин бўлгани ҳолда 31 йиллик меҳнат стажига эга. Иш ҳақини қайта ҳисоблаганда 3314 сўм 99 тийин ҳосил бўлади (205 сўм 90 тийин х 16,1) нафақа миқдори ана шу иш ҳақи асосида талаб қилинган иш стажидан ортиқ 11 йилни қўшган ҳолда — 66 этарди. Иш ҳақи мослаштирилганда 2789 сўм 87 тийин ҳосил бўлади. Нафақа эса ана шу иш ҳақига қараб унинг 75 фоизи миқдорида белгиланади ва 2092 сўм 47 тийиндан иборат бўлади. Бундан ташқари нафақа олувчи II гуруҳ ногирони бўлгани учун унинг нафақа миқдорига яна 2400 сўм қўшилади. Демак, у 1 сентябрдан бошлаб 4492 сўм 47 тийин нафақа ола бошлайди.

Бу Фармоннинг ўзига хос томони яна шундан иборатки, шу йил 1 сентябрдан бошлаб фуқаролар оладиган энг оз нафақанинг миқдори эркаклар 25 йилдан ва аёллар 20 йилдан ортиқ ишлаган ҳар бир тўлиқ йил учун маошнинг бир фоизи миқдорида кўпайтирилади.

Ёр ости ишларида, алоҳида заарарли ва алоҳида оғир меҳнат шароитида ишлаган ишчилар ва инженер-техник ходимларга нафақа эркаклар 10 йилдан ва аёллар 7 йилдан ортиқ ишлаган ҳар йил учун маошнинг 1 фоизи миқдорида қўшимча равишда оширилади. Бироқ, нафақани бундай кўпайтириш миқдори 20 фоиздан ортиқ оширилмайди.

Иш ҳақининг бир фоизи 12 сўм 50 тийиндан камроқ бўлган ҳолларда меҳнат стажи учун энг кам нафақа миқдорининг 1 фоизи 12 сўм 50 тийиндан иборат бўлади. Нафақахўрнинг ҳужжатлари орасида маош тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаган тақдирда ҳам стаж учун энг оз нафақа шунча миқдорга етказилади.

Масалан, Йўлдошев 1967 йилдан нафақа ола бошлаган. Унинг меҳнат стажи 45 йил. Аммо ойлиги кам бўлганлиги учун унга энг оз миқдордаги пенсия 1 минг 250 сўм берилади. Бироқ у иш стажининг 25 йилдан ортиқ ҳар бир йилига нафақанинг 1 фоизи миқдорида — 12 сўм 50 тийин қўшимча олиш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, унга қўшимча равишда 250 сўм тўланади. Натижада унинг нафақаси 1 минг 500 сўмга етказилади.

— Кези келганда яна бир саволга жавоб берсангиз. Олий ва махсус ўқув юртларида ўқиш даври ҳам иш стажига ҳисобланадими?

— Албатта, шу йил 1 январидан кучга кирган янги қонунга мувофиқ олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари ва ҳунар-техника билим юртларида ўқиш даври ҳам иш стажига киради. Президент Фармонининг ўзига хос томонларидан яна бири шундаки, унга мувофиқ меҳнаткашларнинг барча табақаларидан нафақа билан таъминланадилар. Илгари нижтимоий фойдали меҳнатдан четда қолиб, бола тарбияси, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланган уй бекалари ижтимоий нафақа оладилар. Уларнинг нафақалари миқдори 500 сўмдан 625 сўмга етказилади.

— Бундан буён ҳам шахсий нафақалар белгиланадими?

— Бу хилдаги нафақалар сақлаб қолиниши турган гап. Бунда нафақа олувчининг жамият олдидаги алоҳида хизматлари ҳисобга олинади. Шу йил 1 сентябрга қадар шахсий нафақахўрлар ҳам барча қатори энг оз миқдордаги нафақаларни олишарди. Эндиликда бу турдаги нафақалар юқоридаги қоидаларга қараб белгиланади.

Бугунги кунда ижтимоий таъминот идораларининг ходимлари жуда катта миқёсда иш олиб боришлари керак. Ахир, икки ярим миллион нафақахўрнинг нафақасини қайтадан ҳисоблаб чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун биз, албатта, кенг жамоатчиликнинг кучига таянамиз. Уларнинг ёрдами ва мададига муҳтожмиз. Ўйлаймизки, ҳокимиятлар ходимларига бу хайрли ва олижаноб ишда ёрдам қўлини чўзадилар. Президентимизнинг 1992 йил 25 август Фармони асосида яқин фурсат ичида ҳар бир нафақахўр ўзига тегишли нафақасини олиши учун барча миз алоҳида жонбозлик кўрсатишимиз зарур. Республикамиз жамоатчилигини ана шу масъулиятли ишда ижтимоий таъминот ходимларига яқиндан ёрдам беришга даъват этаман.

Суҳбатдош: Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

„ОЙНАИ ЖАҲОН“ДА КЎРИНГ

14–20 сентябрь

Душанба, 14. IX

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 1—2-серия лар.
18.30 Болалар учун. «Висола қиз ўйнасин».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Тилга эътибор...». Адабий кўрсатув.
20.00 Президент фармонлари амалда.
20.30 «Ўзбекистон» ахборотн.
20.55 Тижорат ҳабарлари.
21.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Юнус Ражабий.
22.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. «Темирйўлчи» (Қўқон) — «Навбаҳор» (Наманган). «Пахтакор» Марказий ўйингоҳидан ёзиб олинган.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Ассалому алайкум».
20.00 «Лаҳза». Ҳабарлар.
20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.40 «Зиёкор».
21.25 «Лаҳза». Хабарлар.
21.35 «Боболар ери». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 сентябрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 4.55 дан соат 15.15 гача УзТВ I канали орқали олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.20, 10.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.25 «Хазина». Мультфильм.
8.35 «Нобуд бўлган альпинист» ёнидаги меҳмонхона». Бадиий фильм.
9.55 «Брэйн-ринг».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Айиқча уйғонса». Мультфильм.
11.35 «Марафон-15».

* * *

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.05 Болалар телевидениеси уюшмаси. «Юлдуз бўлмоқчиман».
16.45 «Ҳордиқ чиқаринг».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Футбол шарҳи.
17.50 «НЭП».
18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қор мамлакати». Бадиий фильм (Япония).
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Спорт уик-энди».
20.40 Режиссёр А. Вайда фильмлари таништирилади.

«Янги студия» таништиради:

21.05 «Ассалому алайкум».
21.45 «Бомонд».
22.00 «Бироқ».
22.15 «Қинғир-қийшиқ эфир».
22.30 «Қаранг, ким келади!»
23.35 «Джем-сейшн».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Жаноблар-ўртоқлар.
8.05 Ишдан бўш пайтингизда. «Қўлни бер, дўстим».
8.20 Трансросэфир. «Хусусийлаштириш панорамаси».
9.05 Театр сафари. «Театр бўлган экан».
10.00 «Вариацияли мавзу». Диний рок-мусиқа концерти.
10.50 «Чарҳпалак».
11.50 «К-2» таништиради: «Кинограф».
12.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.35 «Бельгия: парламент ва матбуот».
16.10 Янгиликлар.
16.25 Трансросэфир. «Қалб куйлайди».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар даврасида».
18.00 «Омад».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Осиё тароналари».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.25 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 1-серия (Франция — Германия — Италия).
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Қўшниси тушмагурлар».
21.45 «Хонанда».
22.15 «Турникет». Мусобақалар.
23.15 «Ёшлар билан, ёшлар учун».

Сешанба, 15. IX

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Акс-садо ҳақида эртак», «Қулупнай ёмғири». Мультфильмлар.
18.25 «Кичкинтой» устахонаси.
18.55 «Спортлото».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Футбол. Ўйингоҳлардан дараклар.
19.40 «Мерос». Ҳазиний.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Бошқача ҳаёт». Бадиий фильм.
23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Информатика. Компьютер, унинг қурилмалари ва таъминоти.
11.00 «Сиёҳ одам». Бадиий фильм.
12.00 Ботаника.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
19.10 «Шаҳар юмушлари».
20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 10.55, 17.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
9.45 Болалар телевидениеси уюшмаси. «Юлдуз бўлмоқчиман».
10.25 Футбол шарҳи.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Бегона шаҳардаги ёмғир». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.30 «Даҳмаза». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
13.00 «Номсиз қаср». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (Венгрия).

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.35 «Адам Смит бойлиги дунёси».
15.05 «Ён дафтар».
15.40 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «440 герц». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув.
16.40 «Пластилин». Телефильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Япон анъанавий мусиқаларидан концерт.
18.05 «Столни қандай олиб келишди!». Мультфильм.
18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
19.00 «Мавзу».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Режиссёр А. Вайда фильмлари. «Канал».
21.55 «Ҳарбий ревю».
22.25 Катталар учун мультфильм.
22.40 «Кечки альбом». С. Марков шеърияти.
23.00 Янгиликлар.
23.40 Видеодром.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 «Ҳақиқат онлари». Святослав Фёдоров А. Караулов саволларига жавоб беради.
8.45 Мульти-пульти
8.55 «К-2» кинозали. «Интервенция». Бадиий фильм.
10.40 Бал рақслари танлови. Лотин Америкаси рақслари программаси.
11.20 Россия Конституцион суди залидан.
11.30 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 1-серия.
13.00 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

14.55 Телебиржа.
15.25 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
15.45 «Рост» студияси. «Хитқундалик».
16.10 Мульти-пульти. «Ким афсона сўзлаб беради».
16.20 Янгиликлар.
16.35 «Анъанавий корейсча

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Болалар даврасида».
18.00 «Омад».
18.30 Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 «Қўшиқлар китоби».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 2-серия.
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Унсиз оламга сайёҳат». Ҳужжатли фильм.
21.45 «Мовий тун».
22.30 Экранда Туркия киноси.

Чоршанба, 16. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Келди очилур чоғинг». Телефильм.
7.45 «Қизил олма». Бадиий фильм.
9.05 «Қушлар оламида». Кинопрограмма.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 3-серия.
18.20 «Наққош». Телефильм.
18.30 «Чорвадор».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
19.50 Бир асар тарихи. «Кашмир қўшиғи». Ёзувчи Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат ҳабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.15 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.15 «Суюнчи». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Суҳбатга чорлаймиз».
20.20 «Спринт».
20.40 «Қизиқарли учрашувлар».
21.40 «Ўзбекистон бастакорлари».
22.20 «Тошкент саноати: ҳўжалик юритишнинг янги услублари шароитида».
23.00 «Улуғвор инсон». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

4.55, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Дюймчахон». Мультфильм.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Обуна баҳоси: ● Бир йилга — 384 сўм. ● Ярим йилга — 192 сўм ● Уч ойга — 96 сўм.

Эслатма: обуна масалалари бўйича муаммолар ва фикр-мулоҳазалар хусусида қуйидаги телефонларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

33-79-14 33-65-45
33-72-83 33-21-43

10.00 «Мураффақият». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув.
10.20 «440 герц». Усмирлар учун мусиқий кўрсатув.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Бегона шаҳардаги ёмғир». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.25 «Меҳмон». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 2-серия.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Телемикст».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 «Муваффақият». Юқори синф ўқувчилари учун кўрсатув.
16.30 Ашула, рақс ва мусиқа ансамбли ижро этади (Мексика).
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали ҳамда Татаристон телевидениеси кўрсатувини таништиради.
17.55 «О, Марианна».
18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 «Сиёсат» студияси «Ватан учун ибодат» телевизион бадиий фильм премьерасини намойиш этади.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Париж —Москва —Пекин» автораллиси.
20.55 Футбол. Кубок эгалари кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва) — «Авенир» (Люксембург). 2-тайм.
21.45 «Останкино» концерт студиясида актриса Вероника Кастро билан учрашув.
23.05 Янгиликлар.
23.40 «Останкино» хит-паради.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 16 сентябрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 16.00 дан олиб кўрсатилади.

*

Пайшанба, 17. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 «Куйла дуторим». Фильм-концерт.
7.55 «Суюнчи». Бадиий фильм.
9.10 «Улмас мерос», «Сўҳ дарёси бўйлаб». Телефильмлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алиса Кўзгу орти ўлкасида». Мультфильм. 1—2-серия лар.
18.25 «Алифбо сабоқлари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Санъат дўстликка чорлайди». «Сумалак» ансамбли.
19.50 «Ёмғирли савдосидаги ҳангомалар».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳукумат тадбирлари.
21.30 «Ойдин кечалар». Ёшлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.30 «Маҳтумқули». Бадиий фильм.
23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Ботаника. Усимликларнинг хилма-хиллиги.
11.00 «Тўйдан сўнг». Телефильм.
11.30 Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганамиз?
12.00 Камер куйларидан концерт.

* * *

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ
18.30 «Табассум».
19.00 «Бумеранг».
19.40 «02» тўлқинида».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Пульс». Хабарлар.
21.30 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 17.20, 22.55 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.50 «Оператор Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
10.10 Футбол. Европа кубоклари.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «Тарвузли рейс». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 3-серия.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.20 «Телемикст».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 Япония телевидениесининг кўрсатуви. «Япон автомобиль саноати тарихи».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.50 Футбол. Европа кубоклари.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 Футбол. Европа кубоклари.
22.00 «Қора қути».
22.40 «Қилмишингга яраша». Илмий-оммабоп фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Лимпопо».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Ишбилармон кишилар даври.
7.50 Кипрас Мажейка. «НАТОдан репортажлар».
8.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
8.35 «Мусиқа устахонаси». 1-кўрсатув.
9.10 «Петербург афсонаси».
9.40 «Винил чанғалзорлари».
10.10 XX аср кадрда ва кадр ортида. «Водород бомбаси ҳақида ҳақиқат ва афсоналар».
11.10 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 3-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

14.25 «Сигнал».
14.40 «Тошлар тилга кирганда».
14.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
15.40 «Дораэмон». Мультфильм премьераси. 3-серия.
15.55 Янгиликлар.
16.10 Трансросэфир. «Дераза».
16.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.00 «Сезам» кўчаси.
17.30 Хабарлар.
17.45 «Ёшлар».
18.15 «Ислом маданият ёдгорликларида».
19.00 Хабарлар.
19.20 Мусиқий кўрсатув.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 Телеэкранда премьера. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 Спорт.
21.50 «Чин қалбдан».
22.50 «Суврат».
23.15 «Оилавий мусобақалар».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.35 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Киев) —«Рапид» (Вена). 2-тайм. УЕФА кубоги 1/32 финалининг биринчи матчи.

Жума, 18. IX

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.25 Футбол Уйингоҳлардан дараклар.
7.35 «Қадрдонлар кўчаси». Телефильм.
8.00 «Маҳтумқули». Бадиий фильм.
9.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алиса Мўъжизалар ўлкасида». Мультфильм. 3—4-серия лар.
18.30 «Чорраҳа».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Телефильм.
19.50 «Хотира». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Долзарб мавзу.
21.15 «Хотира». Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов (давоми).
21.55 ЎзТВ фондидан. Эмин Усмонов. «Қўриқхонада». Телеспектакль.
23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

10.30 Биология. Биосфера ва унинг чегаралари.
11.00 «Инсон туғилди». Телефильм.
11.30 Зоология. Бўғимоёқлилар типи. Ўргимчаклар синфи.
12.00 Кичик концерт.

* * *

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
19.05 «Дадабой ва будильник». Мультфильм.
19.15 «Байкем эжем жана биз».
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Уорлднет телевижн» компанияси таништиради: «Ҳамжиҳатлик ҳокимияти» (АҚШ).
20.30 Кинолавҳа.
20.35 «Деҳқоннинг бир куни йилни боқади» (рус тилида).
20.45 «Арноо концерти». Талас вилояти «Шумкар Уя» жамоа хўжалиги механизаторлари учун концерт.
21.30 «Ала-Тоо».
21.50 «Назар» (эълонлар, билдирувлар).

● «ОРБИТА IV»

4.55, 10.55, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
9.55 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.35 «Коля, Оля ва Архимед». Мультфильм.
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс

11.20 «Уч номаълумли масала». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
12.25 «Мансаб имтиҳони». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.
12.55 «Номсиз қаср». Олти серияли бадиий фильм. 4-серия.

*

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ён дафтар».
15.10 «Уолт Дисней таништиради...».
16.00 Э. Грач чалади (скрипка).
16.20 «Марказ».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Вилоятдан қараганда. «Деҳқон ислоҳот юкини кўтара оладими!».
17.40 «Крешчендо». Мусиқий кўрсатув.
17.55 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телевизион фильм премьераси. 10-серия.
18.20 «Инсон ва қонун».
18.55 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.25 И.-С. Бах. «Бранденбург концерти».
20.40 «Детективлар клубида». Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қишки олча-2». Бадиий фильм («Тирс» тижорат фирмаси).

ВИД таништиради

22.15 «Музобоза». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.
23.35 «Ҳордиқ чиқаринг».
23.50 «Ҳа» кўрсатуви.
00.20 «Обоз» майдончаси».
01.15 «Париж — Москва —Пекин» автораллиси.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 Эълонлар.
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене» студияси.
8.35 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
8.50 «М-трест».
9.05 Вариацияли мавзу. Гитарада Анатолий Болотов чалади.
9.30 «Тунги актёрлар клуби» — тонгги эфирда.
10.40 «Бурда моден» таклиф этади...
11.10 Кундузги сеанс. «Граф Монте-Кристо». Кўп серияли бадиий телефильм. 4-серия.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.00 Россия Конституцион суди залидан.

* * *

15.05 Телебиржа.
15.35 «Раджа-йога ҳамма учун». 1-кўрсатув.
16.20 Янгиликлар.
16.35 «Баён». Видеофильм.
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Ҳар бир кун байрам».
17.30 Жума кунлари Дисней. «Ёш Гарри Гудини». Бадиий фильм (АҚШ). 1-қисм.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 Видеофильм.
18.30 «Урта Осиё тароналари». Ҳужжатли фильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Концерт.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.30 «Судья Иванованинг шахсий иши». Бадиий фильм.
20.55 Эълонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.00 Хабарлар.
21.20 «Хафта сўнгида». Дам олиш кўрсатуви.
23.20 «Мана шунақа малика».

Шанба, 19. IX

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Тулпорим Мелиқуш». Бадиий фильм.
9.20 Миллий кураш бўйича халқаро мусобақа.
10.15 Халқ ижодиёти. «Дорбозлар».
10.55 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
11.40 «Оналар мактаби».
12.10 «Санъаткор ҳаётидан икки кун». Телефильм.
12.45 Шеърият дафтаридан. Абдували Қутбиддинов.
13.00 «Замандас» (қозоқ тилида).
14.00 Тижорат канали. Челак тумани «Самарқанд баҳори» ансамблининг концерти.

* * *

18.00 «Юлдузлар ҳақида эртак». Мультфильм.
18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Сиҳат-саломатлик».
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 Телевизион миниатюралар театри.
21.50 «Бобби». Ҳинд бадиий фильми. 1-серия.
23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ*

● «ОРБИТА IV»

5.40, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спорт-имконият».
8.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга. «Айиқча Бамси ва унинг дўстларининг ажойиб саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
8.25 «Ўз-ўзингга мадад бер».
8.55 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви.
9.25 «Ҳунар, ҳунардан унар».
9.30 «Инсон институти».
10.00 «Ирландия учрашувлари». Хотин-қизларнинг халқаро анжумани ҳақида.
10.30 «Кичик мўъжизалар». Мультфильм.
10.40 Хотирада қолган фильмлар. «Азиз инсон».
12.40 «Мусиқий дўкон».
13.10 «Боинг афсонаси». Телефильм премьераси. 1-фильм — «Қанотли рақиблар» («Союзтелефильм», «Ковчег» студияси, «Авиафильм»).
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Оқ қарқара», «Томчи». Мультфильмлар.
14.50 «Зазеркалье». «Эртак ҳақида эртак». Бадиий фильм.
15.50 «Ташаккур» концерти. «Госко» акционерлик жамиятининг Большой театрдаги маданий тадбири.
17.50 «Қизил квадрат».
18.30 «Ёнотлар». Кўп серияли мультфильм.
18.55 Телевизион танишув. Урмас Отт Иннокентий Смоктуновский билан суҳбатлашади.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Қишки олча». Бадиий фильм.
21.45 Рақслар, рақслар, рақслар. «Викторня» ансамбли (Севастополь).
22.05 «Юлдузлар буржи белгиси остида». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Ибодатхона томон йўл».
7.40 Ишдан бўш пайтингизда.
7.55 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси нигоҳи билан».
8.25 «Услуб».
8.55 «Ретро». В. Шубарин.
9.25 «Америка юлдузлари». 5-кўрсатув.

*

10.00—13.15
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
1. «Ягона оилада». Қорақалпоғистон миллий маданият марказининг фаолияти ҳақида.
2. «Қизиқувчилар оламида».
3. «Умид» (уйғур тилида).
4. «Шеърият дафтаридан» (татар тилида).
5. Цирк! Цирк! Цирк!
6. «Интерспорт».

*

13.15 «Қандай яшаймиз?».
14.00 Вариацияли мавзу. «Дўстлар уйи».
14.20 Россия Конституцион суди залидан.
14.30 «Гоголь уйида кечалар».
15.20 Кундузги сеанс. «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм.
16.50 «Экспомарказ» таништиради...».
16.55 Эълонлар.
17.00 Хабарлар.
17.20 «Ҳар бир кун байрам».

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.30 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.45 Концерт.
18.15 «Инсоният бойлиги». Видеофильм.
19.00 Хабарлар.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Туркия ғорлари». Ҳужжатли фильм.
20.00 Ҳафта шарҳи.
20.15 «Биз билан рақсга тушинг».
20.40 «Бизнинг хонадонимизда».
20.55 Манзарали фильм.
21.00 Хабарлар.
21,20 «Мюзик-холл».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.00 «Бирюк». Бадиий фильм.
23.15 «Россияда секс-бизнес».

*Ашгабатдан Туркманистон телевидениеси программалари дастури ўз вақтида узатилмаганлиги сабабли кўрсатувлар тартиби эълон қилинмаяпти.

Якшанба, 20. IX

● УзТВ I

7.00 «Замин қалбига қулоқ тут», «Халқ куйларини қалбингда асра». Телефильмлар.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Табассум қил». Фильм-концерт.
9.20 «Қувноқ стартлар».
10.15 «Семург». Бадиий фильм.
11.30 «Ёш полвонлар мактаби».
11.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Мунисахон рақслари».
12.10 «Ўзбекистон ўрмонлари».
12.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанпарвар».

Тижорат канали

13.30 «Меҳнатда тобланган дўстлик». Чимкент вилоятидаги Янги ҳаёт қишлоғи аҳолисининг меҳнат ютуқлари ҳақида.
14.00 «Ипак йўлн» бўйлаб».

* * *

18.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.15 «Мультипанорама».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Уйимизда тинчлик, осойишталик бўлсин».
19.40 «Тараддуд». Хі Тошкент халқаро кинофестивали олдидан.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Ҳорманг, бободеҳқонлар!». Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви.
22.00 Футбол. Ўзбекистон биринчилиги. Олий лига. «Трактор» (Тошкент) — «Пахтакор». «Трактор» ўйингоҳидан ёзиб олинган.
23.30 «Бобби». Ҳинд бадиий фильми. 2-серия.
00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ
9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси кўрсатади. Программада: «Мизгелбектин мезгили», «Бобок сенин жомогун», «Балдар студиясинин мейманканасында», «Ачик конул балдарбиз», «Бронза қуш». Бадиий фильм. 1-серия. Мультфильмлар.

* * *

19.05 «Чин сўз», «Эски сандиқда», «Қанотлар, оёқлар ва думлар». Мультфильмлар.
19.30 «Ала-Тоо».
19.50 «Токоюм толгон байлигим».
20.20 Спорт кўрсатуви (рус тилида).
20.40 «Отўйин». Бадиий телефильм (рус тилида).

● «ОРБИТА IV»

5.20, 14.15, 18.00 — Кўрсатувлар тартиби.
5.25 «Руҳни чиниқтириш».
6.25 Эрта саҳарлаб. «Денвер диназаврларининг энг сўнгиси». Кўп серияли мультфильм.
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Спортлото» тиражи.
7.40 «Бувижон ўргатинг». Мультфильм.
7.50 «Украин гап-гаштаклари». Фильм-концерт.
8.30 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин».
9.00 «Тонг юлдузи».
9.50 «Олам дам олишда».
10.30 «Пи» балгиси билан.
11.20 «Янги авлод танлайди».
12.10 «Кўрган-кечирганлар» (Н. Клюев, П. Корни).
12.50 Кўп серияли илмий-оммабоп фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.20 «Саёҳатчилар клуби».
15.10 Халқ куйлари.
15.15 «Уолт Дисней таништиради...».
16.15 «Сиёсат» студияси намойиш этади.
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар.
18.05 Мариинскда променад. Якшанба кинокўрсатувлари
19.00 Кино янгиликлари.
19.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қишки олча-2». Бадиий фильм («Троицкий мост» студияси ҳамда «АРТВ» фирмаси, АҚШ).

*

21.00 «Якунлар».
21.45 «Телелотоция».
22.00 «Брэйн-ринг». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.00 Хабарлар.
7.20 «Ким отни расмини чизади?». Ҳужжатли фильм.
7.40 «Учинчи Халқаро Сибирь анжумани».
8.10 Фольклор. «Номаълум маданиятлар».
8.40 «Хоҳ ишонинг...».
9.10 «Эскулап» программаси «Қизчалар ва болакайлар, сизлар учун» фильмини таништиради (Голландия).
9.25 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
9.55 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 4-серия.

*

10.25—14.00
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДЎСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ
1. «Безнен мирас» (татар тилида).
2. Классик шеърият жавоҳирларидан.
3. Туркия таассуротлари.
4. «Чисен» (корейс тилида).
5. «Дўстлар даврасида».

*

14.00 «Ати-бати...».
14.30 Парламент хабариомаси.
14.45 Мульти-пульти. «Хўтинча».
14.55 Енгил атлетика. Россия—Англия терма командалари.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.20 Ёш ижрочилар концерти.
15.35 «Қонун учун нурашчилар». Видеофильм.
16.30 «Мусиқа тили».
17.00 Енгил турк куйлари.
17.30 Хабарлар.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.50 Голливуд классик фильмлар фестивали. «Шарада».
19.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 75-серия.
20.40 «Сигнал».
20.55 Эълонлар.
21.00 Хабарлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Пазар-92».
23.20 «Мавзу».
23.35 «Суврат».

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 11 сентябрь сонидан олинди

● Ҳикоят қилишларича, қадим замонда дарвиш тиланчилик қилиб бир бадавлат зотнинг қасрига келиб қолибди. Қасрнинг дарвозаси мустаҳкам, девори баланд экан. Дарвиш «Анча ўзига тўқ одамникига келиб қолганга ўхшайман, анча-мунча садақали бўлиб қоларман» деб суюнибди ва овози етганча «Саховатли одам, мурувватини аямаса керак», — деб қичқирибди. Қаср соҳиби шу пайт дарвозага яқин турган экан, дарвишнинг гапларини эшитиб, Ширин исмли чўрисини чақирибди ва унга баланд овоз билан: «Эй, Ширин! Шакар деганда маржонни, муборак деганда некқадамини тушунмоқ лозим. Лекин сўфи дегани — уйда нон йўқ, дегани бўлади», дебди.

Дарвиш тамом вужуди билан қулоққа айланиб қаср соҳибининг бу гапларини эшитибди ва унинг ўта кетган хасис одам эканлигини англабди. Лекин яримта нон гадоси бўлиб келгани учун тишни-тишга қўйибди. Ҳовли эгасининг адабини бериб қўйишга қасд қилибди. Ва шундай дебди: — «Е раббий, Исрофил деганда Микоил тушунилади, Жаброил деганда Азроилга бориб ўша бадбахтнинг жонини олиб кел» — дегани бўлади. Бу гапларни эшитиб қаср соҳибининг қўлоёғи титрабди. Уни ваҳима босиб, охири дарвешга яримта нон олиб чиқиб берибди...

Ҳозирда шакар билан шуғулланаётган мутасаддиларнинг ҳам хатти-ҳаракати ана шу ҳикоятдаги воқеага ўхшаб кетади. Улар ҳам бизнинг назаримизда шакар деганда маржонни тушунишиб, унинг тақчиллигидан фойдаланишиб, шакарни бойиш манбаига айлантираётган кўринади...

Дарвоқе, шахсан Президентимиз ва республика ҳуқумати аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Айни пайтда шакарнинг ҳар бир килограмми четдан 53—60 сўмдан сотиб олинмоқда. Аҳолига эса ҳар бир килограмми 15 сўмдан сотиляпти. Қолганини давлат ўз ёнидан қоплаяпти. Лекин ана шу шакар таъминотида адолат тарозуси бузилмоқда. Одамлар бир ойлик нормаси бўлмиш 800 грамм бўлган ўша шакарни худди бир бурда нонга зор бўлган дарвишдек излаб юрибдилар. Шакар бор, лекин шакар омборларининг орқа эшиги ҳам борга ўхшайди...

Келинг, яхшиси, шакар устида бўлаётган ғаройиб ишлар ва бу ҳақдаги ўз нуқтаи назарларимизни кўпчилик ҳукмига ҳавола этайлик.

ФЕЛЬЕТОН

„ШАКАР“ ОПЕРАЦИЯСИ

ТЕКШИРУВНИ ЖУРНАЛИСТ ОЛИБ БОРАДИ

АГАР бирор кимга яхши ният қилсангиз ёки бирор бир хушхабарни етказсангиз «Оғзингга шакар» дейиши аниқ. Лекин кейинги пайтда бу гапни ҳатто тушунгизда ҳам эшитмайсиз. Нега десангиз ўзи тақчил, таги йўқ. Бори ҳам чапга кетяпти.

Бу йилги ёзги пишиқчиликда шакарнинг бир килоси чайқовда 60—80 сўмга чиқиб кетди. «Уддабуронлар» у ердан —бу ердан «амаллаб» банкасини ёпиб олдилар. Бошқалар-чи? Бармоғини тишлаб қолавердилар. Ҳа, деса шакар йўқ. Оддий одамнинг чўнтаги чайқов нархини кўтаролмайди. Кўтарса ҳам таниш-билиш керак. Кимгадир тиз чўкиб ёлвориши керак. Бу эса ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шакар чайқовчининг эса ови юришган. Таниш-билишига мўмайгина пуллайверади...

Ҳисоб-китобчиларнинг кўрсатишича, мустақил Ўзбекистонимизда 20 миллиондан ортиқ киши яшайди. Агар ҳар бир киши ойига 800 граммдан шакар истеъмол қилса, қанча шакар керак? Алжабирга уста бўлсангиз, ҳисоблаб олаверинг. Аммо мутасадди кишилардан бу ҳақда сўрасангиз, «лом-мим» дейишолмайди, ботиниб аниқ бир фикр айтишга нимадандир чўчишади. Фақат «Шакар олиб келяпмиз, шакар бор...» дейишади. Қани ўша шакар?

Биздаги маълумотларга қараганда, республикамиз бир йилда 550 минг тонна шакар ишлатади. Биргина Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича бир йилда 17—18 минг тонна шакар истеъмол қилинади. Афсуски, ана шу шакар доимо истеъмолчиларга етиб боравермайди.

ТУЯНИНГ устида камбағални ит қопганидек, жойларда оддий халқнинг оғзига шакар етиб бормаяпти. Бир мисол, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармасидан хабар қилинишича, шу йил жойларда шакар ва қандолатчилик билан боғлиқ 60 та жиноят аниқланган. Шундан 16 таси ўғирлик, 16 таси чайқовчилик, 7 таси харидор ҳақига ҳиёнат қилиш ва 5 тасида очиқ савдодан яшириб қўйиш ҳоллари аниқланган. Бу ишлар бўйича 44 та жиноий иш қўзғатилган. Бу талон-торожчилар ва чайқовчилардан 75.550 килограмм шакар тортиб олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинган. Қаранг 75.550 килограмм-а! Э, ҳа, бу ҳали холва. Буёғини эшитсангиз, шаҳар шунчалик бедарвоза-ми, деб ёқа ушлайсиз. Бор шакар ҳам сунъий равишда «сувда эриб» кетяпти. Ҳа, энди шундай бўлгач, оддий одамлар дўконга чумолидек келиб-кетаверадилар:

— Шакар борми?

— Шакар йўқ! Келиб, туринг, келиб қолар.

— Туянинг думи ерга теккандами? — охири чидолмай жонингиз халқумингизга келади.

Тавба, савдо ходимининг топиб олган гапи шу — тўтиқушдек бир гапни қайтараверади. Ўзбекнинг кўнгли бўш эмасми, «ҳа, майли» дея чиқиб кетаверади. Аммо «Почему нет?» — деёлмайди. Журъат етишмайди. Андиша қилади. Пачакилашиб ўтирмайди. На қилсин, бир ҳафта, бир ой, келинг ана икки-уч ой шакар емаса емабди-да! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ёки осмон узилиб ерга тушармиди? Ёҳуд очликдан ўлиб, қоляптими? Чайқовчининг, нафс бандаларининг бу билан нима иши бор. Қирилиб кетмайдими, чўнтаги қаппайса бўлди.

Шундай деймизу, яна ўзимизни овутамиз. Оғиздаги луқмани юлғичларга олдирамиз. Ўзгалар эса уни бойиш манбаига айлантирадилар. Бу йил сўзсиз шакар ҳам юлғичлар учун чинакам бойиш манбаига айланди.

Шакар... Ҳозир у олтинга тенг. Ахир ундан мураббо, қиём, турли пиширикдар тайёрлаш, самогон ҳайдаш, спирт олиш, асаларини боқиш ва ҳатто «асалга қўшиш» учун керак. Қанчадан-қанча қандолатчилик фабрикалари, цехлари, пиво, вино, арақ заводлари, нон-булка комбинатлари, асаларичилик хўжаликлари, деҳқончилик саноати қандолатчилик цехлари, савдо нуқталари, ички ишларнинг махсус контингентлари, болалар уйлари шакарга зор. Улар шакар сўраб «Ўзбексавдо» уюшмаси, «Баққоллик» республика акционерлик жамияти ва уларнинг базалари эшигининг остонасини ялашга ҳам тайёрлар... Чунки шакар керак, шакар...

Аммо қандайдир юлғичлар улардан эпчиллик қилиб қолишади. Улар элнинг ризқу насибасига кўз олайтиришдан уялмайдилар. Бундай қора шарпалар ҳали дўконларда, ҳали хазинага тўла омборларда, ҳали камёб моллар ортилган автомашиналарда, поездлару самолётларда пайдо бўлишади. Ҳамма жойда ниҳоятда эпчиллик билан иш кўрадилар, аҳоли учун сув билан ҳаводек зарур бўлган камёб озиқ-овқатлару молларни ўмариб, дарров яшириб қўядилар, баъзан олис-олис юртларга ташмалаб ҳам олиб кетадилар. Дўконлардаги пештахталарнинг бўмбўш бўлиб қолаётганига, бозорларда нарх-наволарнинг ошиб бораётганига ана шу нияти бузуқ, инсофсиз, еб тўймас қора шарпалар сабаб бўлаётгани ҳозир ҳаммага беш қўлдек аён.

ШУНДАЙ қора шарпалардан бири Н. Очилов бўлади. У Навоий шаҳар савдо идораси директори эди. Савлатидан от ҳуркарди. Шаҳд билан қадам ташлаганида шамолидан унча-мунча киши пирпирак бўлиб учиб кетарди. Егани олдида, емагани кетида, хирсдан тўқ яшарди. Танаси бошқа дард билмас, дейдилар, Н. Очилов ҳамма ҳам ўзим каби фаровон ҳаёт кечираётган бўлса керак, деб хаёл қилиб юрарди. Одамлар бошига тушаётган ҳозирги иқтисодий тангликлар унинг кўзларига сира кўринмасди. Ёки кўриббилиб турган бўлса-да, ўзини гўлликка соларди. Омбор мудири Ш. Маҳкамов, дўкон мудирлари Э. Пан, Х. Файзуллаевалар ҳам ўз раҳбарлари Н. Очиловдан деярлик фарқ қилишмасди. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганлари балки шу бўлса керак-да!

Кутилмаганда Навоий шаҳрида озиқ-овқат дўконларида талон орқали сотиладиган шакар анқонинг уруғи бўлиб қолди. Одамлар ҳайрон. «Бошқа республикаларда шакарнинг чакана нархи жуда қиммат, биздаги баъзи диёнатсиз савдо ходимлари шундан фойдаланиб, шакарни четдан келганларга пуллаб юбормоқдалар», — деган гап тилдан-тилга кўчиб юрганди. 4000 килограмм шакарни ўғирлаб сотган Н. Очилов бошлиқ кимсаларнинг хашаги очилиб қолгач: — «Ана холос! Вой аблаҳлар-е!» — деб ёқа ушлашди одамлар.

Элнинг ризқ-насибасига ювуқсиз қўлларини тиққан Н. Очилов ва унинг етовига юрган Ш. Маҳкамов, Э. Пан, Х. Файзуллаевалар нима қилишларини билмай типирчилаб қолишди.

Қани энди Н. Очиловга аввалги давру давронлар, кийикнинг сутигача қўйилган тўкин дастурхону, атрофидаги лаганбардор кимсалар томонидан кўрсатиладиган мулозиматлар, бир жуфт қуллиқлар?! Ҳаммаси тугади, ҳаммаси тамом!

Н. Очилов энди «роҳат» қилиб ҳибсда ўтирибди. «Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ» дердилар. Унинг ёруғ кунлари тугаб, қоронғи кечалари давом этмоқда. Бир бурчакда хомуш ўтирганича ўй сураяпти. Ҳозир хаёлига нималар келаяпти экан-а? Ҳаёти ўзи ўғирлаб сотган шакар сингари ширин кечаётган эди. Энди аччиқ қалампирга ҳам зор. Шакар заҳарга айланди. Эй, бадбахт нафс! Сен эмасми, бечорани шу кўйларга солган! Бу ёғи қандай бўлар экан-а? Н. Очиловни тақдир қайси томонларга етаклайди? Олтин боши омон бўлса, пешонасига ёзилганини кўраверади, дейсизми? Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Хуллас, қора шарпалардан биттаси сафдан чикди!

Собиқ директор Очилов ўз ўтига ўзи кул тортиб ўтираверсин. Эндиги сўзни Сирдарёдан эшитинг. Вилоят ҳокимиятининг махсус фармойиши билан ёз ойларида лагерларда ҳордиқ чиқарадиган болалар учун шакар фонди ажратилган эди. Шунга кўра омборлардан бирига тўрт минг килограмм шакар келтирилди. Бу озмунча ўғил-қизларнинг оғзини ширин қиладими? Шакар Гулистон шаҳар озиқ-овқат савдо идораси орқали жойларга тарқатилиши керак эди. Идора директори Азиз Содиқовнинг феъли қиш ҳавосидай айниди, нияти бузилди: «Эй, бор-е! Шакар егани билан болаларнинг шохи чиқармиди?! Болаларни ширинлик ейишга зинҳор-базинҳор ўргатмаслик керак. Бир бурда қотган нонни совуқ сувга бўктириб есалар ҳам кунлари ўтаверади. Шу кунларда нима пул бўлаяпти? Шакар, ҳа, шакар! Тўрт минг килограмм шакарни пулга сотиб, белимни янада бақувват қилиб олмасам, бу мансаб курсисида нега ўтирибман?! Дарёлар кўчкинчи, мансаб ўткинчи, фойдаланиб қолиш керак. Давринг келди сур бегим!

Тоғ тоғ билан учрашмайди. Нияти кўмирдай қоп-қора, балоҳўр кимсалар зим-зиё тунда ҳам бир-бирларини ҳеч адашмай топиб оладилар. Азиз Содиқов ҳам эшагини йўқотиб қўйган афандидай кўчама-кўча юриб, харидор изламади. Чимкент вилоятининг Славянка шаҳарчасида истиқомат қилувчи Сардор Аҳмедов унинг ҳузурида шайтондек дарров пайдо бўлади. Савдолашиш жараёни узоқ вақт давом этмади. Сардор Аҳмедов шакарнинг ҳар қопига икки минг сўмдан тўлайдиган бўлди. Хуллас, тўрт тонна шакар хаш-паш дегунча гумдон қилинди. Орадан кўп ўтмай Сардор Аҳмедов уни Славянкада бошқа бир кишига сотиб юборди. Қилган меҳнатлари зое кетмади, шакарфурушликдан у ҳам нақд ўн олти минг сўм фойда кўрди.

Беҳисоб дунё қаерда бор дейсиз? Қилгиликни қилиб қўйгач, Азиз Содиқов ўйланиб қолди, қаттиқ ташвишланди. Хўш, ўзи содир этган жиноятнинг изини қандай қилиб яшира олади? Йўли топилди. Шакарни Фарҳод Терешин мудирлик қилган 20-магазин орқали аҳолига сотишга чиқарди. 41200 сўм пулни кассир Рита Мусақаева орқали кирим қилдирди. Юрак ўйноғи билан ўтказилган «шакар операцияси» Азиз Содиқовнинг қудуқдан ҳам чуқур бўлган чўнтагига нақд 118.800 сўм келтирди!

«Ҳар кишининг топгани тўйга буюрсин, дўстлар», — деб хониш қилишади ашулачилар. Азиз Содиқовга нисбатан бу фикрни татбиқ этиб бўлмайди. Негаки «ўтники-ўтга, сувники-сувга, қолди қатиқнинг пули ёнга» деганларича бор экан. Содиқов болаларнинг ҳақига ҳиёнат айлаб топган пулини жиғилдонидан ўтказа олмади. Болаларнинг ҳаққи томоққа тиқилди. Шакар яна заҳарга айланди!

ЭНДИ ҳангоманинг каттасини эшитинг. «Донога Тўйтепа нима йўл» деган гап бор. Шу кунларда ҳеч эринмай Тўйтепага сафар қилинг, қизиқ томошанинг устидан чиқасиз. Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятига қарашли Тўйтепа нон заводи раҳбарлари ўзларини қўйишга жой топа олмай, зир югуриб юришибди. Гап аслида бундай бўлганди.

...Милиция ходимларини кўрган С. Сайдуллаевнинг ранги шакардек оқарди. Бу бежиз эмас экан. Машина юкхонасидан ҳеч қандай ҳужжатларсиз ноқонуний равишда олиб кетилаётган 10 тонна шакар чиқди. Айёрликни қарангки, «КаМАЗ»ни Чимкент вилояти ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль назорати бошқармасининг йўл назорати бўлими ходими Арман Абилдабеков С. Сагдуллаевга тегишли 00—17 ЧМА номерли «Жигули»ни бошқариб, кузатувчи сифатида борарди.

Текшириш жараёнида аниқланишича, Тюлькубас районидаги «Райҳон» кооперативи вакили «Абдухолиқ» орқали бу шакар 600 минг сўмга Тўйтепадан сотиб олинибди. Тўйтепа катта шаҳар, калаванинг учи қаерда бўлиши мумкин? Калаванинг учи Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятига қарашли Тўйтепа нон заводининг лимонад цехи омборхонасига бориб уланган экан. Омбор мудири Орифжон Турсунов «Ўткир» деган таниши орқали Чимкент вилоятидан келган номаълум шахсларга 10 тонна шакарни сотган. Эвазига улардан 520 минг сўм олган.

Омбордаги моддий-товар бойлиқлар бошқатдан ҳисоб-китоб қилинганда, 626 минг 299 сўм камомад чиққан. Шу жумладан, 34 тонна 352 килограмм шакар гумдон қилинган. Агар ҳар бир килограмм 15 сўмдан бўлганда 618 минг 467 сўм бўлади. Бир йўла нон комбинати бухгалтерияси тафтиш қилинганда, матлубот жамиятининг «Ўртасарой» омборига 30 тонна ва Тўйтепа шаҳар матлубот жамиятига қарашли 20-дўконга 20 тонна шакар ҳеч қандай накладнойсиз бериб юборилгани аниқланган. Лимонад цехи экспедитори Д. Турсуновнинг гапига қараганда, Тошкент вилояти матлубот жамияти наряди бўйича 100 тонна шакар фонддан ташқари олинган. Биздаги оператив маълумотларга қараганда, Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти омборига келтирилган бу 100 тонна шакар унинг раиси Рихсивой Эргашевнинг оғзаки кўрсатмасига биноан чайқов нархида сотилиши керак...

Мана кўрдингизми, бу «Шакар операцияси»дан бир кўриниш, холос. Бундай қинғир ишлар республикада озмунча содир бўляптими? Бу ҳозирча фақат яратган эгамга маълум. Аммо «Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади». Ҳаром тамоқ асло хазм бўлмайди... Ҳозир бу иш бўйича Республика Ички ишлар вазирлигининг ИЖҚК бошқармаси ходимлари шуғулланишяпти.

Юқорида биз республикамизда 20 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди, деб бежиз айтмадик. Шунча кишига бир йилда қанча шакар керак? Биз қанча шакар истеъмол қиламиз? Қаерлардан оламиз? Нима муаммолар бор? Қандай қилсак шакар кўпайиши мумкин? Афсуски, буни «Ўзбексавдо» уюшмаси (раиси Мираброр Усмонов), «Ўзбекбирлашув» (раиси Геннадий Георгиевич Волков)даги мутасадди ўртоқлар ҳам изоҳлаб беролмадилар. Ҳатто биз шакар бўйича бир йиллик маълумот сўраганимизда, турли баҳоналар қилишди, хуллас аниқ маълумот бергилари келмади. Балки, энди шу мақоладан кейин шакар бўйича аниқ маълумотлар халққа маълум қилинар? Халқ билиши керак, шакар қаёққа кетяпти? Қайси ўпқонга тушяпти?

Ахир республика ҳукумати аҳолини шакар билан таъминлаш учун барча имкониятларни ишга соляпти. Ҳозир Туркиядан, Франциядан, Голландиядан, Бельгия, Аргентина ва Буюк Британиядан шакар олишга келишилган ва озми-кўпми олиняпти ҳам...

Аммо тақсимот тарозуси бузиляпти! Ҳа, бузиляпти! Ахир қачонгача бузилади? Қачонгача сунъий тақчиллик яратилади? Қачон ўғриликлар ва муттаҳамликларнинг пайи қирқилади? Қачон халқнинг ризқи бут бўлади?!

БИЗДАГИ маълумотларга таяниб шуни айтиш мумкинки, «Шакар операцияси» жуда пухта ишланган қаллоблик йўлидир. Мисол учун район матлубот жамиятларининг шакар сўраб берган хатларининг 100 тасидан 30—40 таси қалбаки эмас, деб ҳеч ким кафолот беролмайди. Бизнинг тушунишимизча, аслида фондни «Ўзбексавдо» уюшмаси беради. Унга қарашли собиқ «Узоптбакалея» яъни «Баққолик» республика акционерлик жамияти (директори Х. С. Орипов) ҳам шундай ҳуқуқа эга. Шакар сўралган ҳар қандай хат шулар орқали ўтиши керак. Шакар фонд бўйича ажратилиши лозим. Бу ҳақда махсус кўрсатма (инструкция) ҳам бор. Лекин биз унинг филиали 1-Тошкент шаҳар базаси (директори З. Ҳусанов)да республика Прокуратураси ходими Қобилжон Синдоров билан текширишда бўлганимизда бундай бўлаётганига шубҳаландик. Шубҳага асос бор эди. Аслида базадагиларнинг ўзи хон, кўланкаси майдонга ўхшайди. Ўзлари хатга қўл қўйиб юбораверадилар. Кимга хоҳласа, э кечирасиз ким билан «келишолса», шунга беришади. Масалан, Ўрта Чирчиқ район матлубот жамиятига берилган 50 тонна шакар ҳам худди шундай йўл билан кетган. Буни бизга яна тергов органлари ойдинлаштириб беради...

Дарвоқе, 1-Тошкент базаси хусусида бир оғиз сўз. Тошкент ва Тошкент вилоятидаги шакар олувчилар учун бу ер сиғинадиган жойга айланиб қолган десак муболаға бўлмайди. Бу ерга келиб-кетувчиларнинг ҳам охири йўқ. Бу ердаги ҳужжатларни ўрганиш учун унча-мунча тафтишчининг ҳам ақли етмайди. Улар шундай чалкашки, калаванинг учини топиш ўта амри маҳол. Биз юқорида шакар сўраб ёзилган хатлар қаердан ўтишини айтдик. Аммо бу ерда хатлар борки, ҳеч ким имзо чекмаган. Ҳатто «Бақоллик» республика акционерлик жамияти раиси С. Ориповнинг, база директори З. Ҳусановнинг ҳам имзоси йўқ. Лекин сўров хатига кўра тонналаб шакар бериб юборилган. Мана бир мисол. Тошкент шаҳар умумий овқатланиш давлат концерни раиси вазифасини бажарувчи В. В. Кожарина 21. 08. 92 йилда 3/3 414-номерли хат билан 1-база директоридан шаҳар районлари ошхоналар трестлари учун шакар беришни сўраган. Бироқ ҳеч қандай имзосиз 13 та ташкилотга 20 тонна шакар берилган. Афсуски, бундай имзосиз хатлар талайгина...

Айрим ҳолларда шакар истеъмолчиларга ишонч қоғозисиз бериб юборилган. Масалан, шу йилнинг 10 июлида 2845 ва 2932 товар-транспорт накладнойлари бўйича Чилонзор ошхоналар трестига 2 тонна ва «Наврўз» ресторанига 2 тонна шакар ҳеч қандай ишонч қоғозисиз берилган. Белгиланган товар бериш қоидаси бузилган ҳолда 3047-товар-транспорт накладнойи бўйича «Тошкентсавдо» концерни қадоқлаш ишлаб чиқаришига 1000 килограмм шакарни 7800 сўмга нақд пулга сотган.

Шу йилнинг ўтган етти ойида ишлаб чиқариш корхоналарига 16783,2 тонна шакар берилган. Бу ажратилган фонднинг 82,0 фоизини ташкил қилади. Аммо кўпгина корхоналарга эса белгиланганидан оз, айримларига эса белгиланган фонддагидан кўпроқ шакар берилган. Хўш, буни қандоқ тушунмоқ керак, ўртоқ Орипов ва Ҳусанов? Сабаби нимада? Нима учун Халқобод озиқ-овқат комбинати 32 фоиз шакар олади-ю, нега энди «Ангренторг» 117,5 фоиз олади? Нима учун Олмалиқ қандолат фабрикаси 117,9 фоиз шакар олади-ю, Тошкент ПХБО ишчи таъминоти ишлаб чиқариши 21,6 фоиз олади? Қани адолат тарозуси? Нима, шакар уддалаганники-ми? Қани бу ерда адолат?

Хатлардан яна бири киши диққатини ўзига тортади. «Бақоллик» республика акционерлик жамиятининг раиси Х. Ориповнинг 1-база директори З. Ҳусановга йўллаган хатида Тошкент умумий овқатланиш концернига август ойида 165 тонна шакар маҳсулоти берилиши кўрсатилган. Ваҳолонки, ўртоқ З. Ҳусановнинг хотамтойлиги тутиб, 165 тонна ўрнига «330 тонна шакар берилсин» дея имзо чекиб юборади. Наҳотки, ўзининг бу хотамтойлиги билан фонд интизомини бузаётганини билмаса?! Ахир дўконлардан халқ ўзига тегишли шакарни ололмай турган бир пайтда бундай аҳвол билан келишиб бўладими?

Сиз бирон ошхонада столга шакар қўйиб қўйганини ёки ширин шарбат қилиб сотаётганини кўрганмисиз? Йўқ, дейсизми?! Ҳа, балли! Биз ҳам шунга ҳайронмиз. Айрим умумий овқатланиш корхоналари фақат шакар билан «кун кўраётган»га ўхшайди. Бўлмаса, хўжалик ҳисобидаги Занги ота ноҳияси умумий овқатланиш бирлашмасига бирваракай 100 тонна шакарнинг нима кераги бор? Бирлашма 1992 йилнинг 8 ойи учун 24,3 тонна шакар олган. Бундан ташқари келишилган нархларда «Баққоллик»нинг 1-базаси 12-июнь куни 2309 ва 16 июнь куни 2310-накладнойлари билан 100 (юз) тонна шакар берган. Мана, кимга аза, кимга тўй. Нима бу бирлашманинг шохи борми? 100 тонна (бу ҳазилакам эмас) шакарни нимага ишлатади?..

ЖОЙЛАРДА шакар бўйича олиб-сотарлик авжига чиққани ҳеч кимга сир эмас. Халқнинг қозонига ифлос чўмичини ураётганлар кўп. 19 август куни Самарқанд вилоятидан ҳайдовчи Николай Тишченко ўз машинасида 1,8 тонна шакарни Қозоғистоннинг Жезқозғон шаҳрига олиб кетаётганида қўлга тушди. Бу шакарни унга Челак районидаги хўжалик таъминоти тайёрлов-савдо корхонаси ходими Фурқат Хўжаев мўмай пулга сотган. Сурхондарёлик Эркин Низомиддинов ҳам ҳамтовоғи ҳайдовчи Дамир Солихов билан «КаМАЗ» машинасида 1,9 тонна қанд, 90 килограмм ҳинд чойи, 100 килограмм ун, 950 килограмм гуруч, 9,6 тонна пиёзни Екатеринбург шаҳрига қонунсиз равишда олиб кетаётганда қўлга олинди...

Яхшиям, уларни божхона ходимлари ушлаб қолишди. Ушлаб қолинмагани-чи, қанча? Умуман ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳуқуқтартибот органлари шакар масаласини жуда суст текширяптилар. Базалардан қонунсиз чиқиб кетаётган шакарларни ким ушлаб қолади, ахир? Токи бирор бир «сигнал» тушгунча текширмасдан, бу жойларда тез-тез рейд ўтказилса бўлмайдими? Очиғи, биз ҳаммамиз тор қобиғга ўралашиб қолганмиз. Бундан маҳфия, ўғри, мутаҳамлар усталик билан фойдаланишмоқда. Буюк аллома Абдураҳмон Жомий бундайларга шундай таъриф берган эди: — «Бундайларнинг дўконларида инсофдан бошқа барча мол мавжуддир, унда ўз айбига иқрор бўлишдан бошқа ноинсофликнинг барча тури кўп топилар...».

Ҳа, ноинсофлик авжида. Унинг йўлини ким тўсади? «Ўзбексавдо» уюшмаси (раиси М. Усмонов)ми ёки «Ўзбекбирлашув» (раиси Г. Волков)ми? «Баққоллик» республика акционерлик жамиятими? Улар кўл остидаги бундай жиноятkорона ишлар учун қачон жавоб берадилар?

Биз бир неча бор чиқишларимизда савдодаги қатор камчиликларни рўй-рост очиб ташладик. Аммо «Ўзбексавдо» уюшмаси газетамиз чиқишларига тайинли жавоб қилмай келяпти. Халқ бекорга сукут—ризолик аломати, демайди. Назаримизда, Жомий домла айтганларидек, «Ўзбексавдо»да ҳар нарса борга ўхшайди. Алқисса, яқинда бу ерда қизиқ бир иш бўлди. 1-Тошкент шакар базасининг директори муовини (у ишлаб чиқариш масалалари бўйича шуғулланади, шакарга даҳли йўқ бўлса ҳам) Анвар Йўлдошевнинг «юқорининг топшириғи» деб ишдан олишди. Ваҳолонки, у туппа-туззук ишлаб турган эди. Анвар Йўлдошевнинг бизга ёзма равишда маълум қилишича, «Ўзбексавдо» уюшмаси раиси М. Усмонов ўзининг биринчи муовини А. Жалолов ва республика «Узоптгалантерея» идораси директори У. Азизовга Йўлдошевни чақиртириб, ўз хоҳишига кўра ишдан бўшаши тўғрисида ариза ёзиб беришни талаб қилишни айтган. «Сабаби нимада?»—деган саволга «биз билмаймиз», бу Усмоновнинг кўрсатмаси» дейишган. Йўлдошев томонидан ижобий жавоб бўлмагач, улар ўша куни 16.00 да сим қоқишиб, агар ариза ёзмаса, 1-Тошкент шаҳар базаси директори муовини штатини қисқартиришни айтишган. 12 август куни улар уни уюшмага таклиф қилишган ва Йўлдошевни М. Усмонов шахсан қабул қилган. Суҳбат чоғида раис ҳам «сабабини билмайман, директор ўринбосари лавозимини қисқартириш бу «юқори»нинг топшириғи» деган ва бирор жойга учрашмасликни маслаҳат берган...

Алқисса, «Шакар» операцияси давом этмоқда! Эшик қолиб тешикдан тонналаб шакар гумдон бўлмоқда! Халқ ризқини туя қилаётган шакар фурушлар йўлига ким ғов солиши керак? Ким? Бир неча юз грамм шакарни ойлаб кутаётган халқ шундай савол қўйишга ҳақли!

Тўхтамурод ТОШЕВ.

● «МУСТАҚИЛЛИК—МЕНИНГ ИФТИХОРИМ» ФОТОКОНКУРСИГА



НИГОҲЛАР. Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат лавҳа.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ХАЛҚАРО ТАДҚИҚОТЛАР ВА ИЛМИЙ АЛМАШИШЛАР (АЙРЕКС — АҚШ) КОРПОРАЦИЯСИ

гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ғолибларга стипендия, турар жой, йўл ҳаражатларини тўлаш ва идоравий қўллаб-қувватлаш таъминланади.

АҚШда бўлиш муддати — 1993 йил март ёки сентябрь ойидан бошлаб 8 ой. Номзодлардан:

— Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлишлиги;

— Фан номзоди илмий даражасига эга бўлишлиги;

— Ўзбек ва инглиз тилларида эркин муомала қила олиши талаб этилади.

АҚШда илмий-тадқиқот ўтказиш ҳақидаги ариза — асоснома Американинг етакчи мутахассисларидан иборат танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

1992 йил 14 сентябрь соат 16—00 да АЙРЕКС вакили Тошкент Давлат университети Маданият саройида маъруза-маслаҳат ўтказади.

ЎЗБЕКИСТОН ҳаво йўллари

ДАВЛАТ, ТИЖОРАТ КОРХОНАЛАРИ, ФИРМАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон ҳаво йўллари авиакомпанияси

ТОШКЕНТ — ШАРЖА — ТОШКЕНТ

маршрутлари бўйича чартер юк рейсларини бошлайди.

Рейслар Ил-76 самолётида ойига икки марта (2 ва 4-ҳафтада) бажарилади.

Чоршанба куни кетилиб, пайшанба куни қайтилади.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-75-86, 32-73-77.

АВИАРЕКЛАМА

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ферганаводстрой» саноат қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқаришни технологик жамлаш бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги қурилиши Давлат комитетининг раиси Т. Б. Боймировга ўғли Баҳодир БОЙМИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллар вазирлиги коллегияси ва жамоаси «Узремдорпроект» лойиҳалаш институтининг директори Т. А. Азимбоевга отаси Абдуманноп АЗИМБОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—21.00.
Г—340. № 180. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.